# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 6 сентябрь, № 186 (8529) Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 сентябрь куни Покистон Ислом Республикаси Қуролли кучлари Қуруқлик қўшинлари қўмондони генерал Асим Мунир бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**



Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида юқори даражали меҳмон давлатимиз раҳбарига Покистон Президенти Ориф Алвий ва Бош вазир вазифасини бажарувчи Анвар Какарнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Суҳбатда илгари қабул қилинган "Йўл харитаси"га мувофиқ ўзаро савдонинг юқори ўсиш суръатини давом эттириш, инфратузилмавий лойиҳаларни тезлаштириш ҳамда икки мамлакат етакчи корхоналарининг кооперация алоқаларини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши нуқтаи назаридан фикр алмашилди.

Термиз — Мозори-Шариф — Пешовар темир йўлини барпо этиш лойиҳасини илгари суриш мақсадида амалий саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: МУСТАҚИЛ ТАРИХИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА БУНДАЙ ШАҲАР ҚУРЯПМИЗ

**Президент Шавкат Мирзиёев 5 сентябрь куни Янги Тошкент шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси билан танишди.**

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида яшаётган ва ишлаётган аҳоли сони қарийб 5 миллион нафарни ташкил қилмоқда. Кўплаб уй-жойлар, муассасалар барпо этилиб, инфратузилма тармоқларига юклама ортмоқда. Шунга қарамай, яна йилига 20 минг хонадонли уйлар, 40 дан ортиқ мактаб, боғча, поликлиника қуришга талаб бор. Урбанизация суръатидан келиб чиқилса, яқин йилларда аҳоли сони янада кўпаяди.

Давлатимиз раҳбари бу масалани алоҳида эътиборга олиб, Тошкентни ривожлантириш режаларини 15 — 20 йил олдиндан белгилаш вазифасини қўйган эди. Шундан келиб чиқиб, шаҳардан ташқарида, замонавий архитектура ютуқлари асосида янги марказ қуришга киришилди.

Жорий йил 20 июлда Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш чора-тадбирлари бўйича Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Бош вазир раҳбарлигида Янги Тошкентни барпо этиш ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди ҳамда дирекция ташкил этилди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида бу лойиҳага масъул ўринбосар лавозими жорий қилинди.

Ушбу улкан лойиҳа учун Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларидан 19 минг 720 гектар ер танлаб олинган. Биринчи босқичда 2,5 минг гектарда 100 минг аҳоли учун уй-жойлар ва инфратузилма объектлари қуриш режалаштирилган. Дирекция томонидан етакчи хорижий компаниялар жалб этилиб, ривожланган мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган амалиётлар асосида Бош режа, тармоқ режалари ва манзилли дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

"ТошкентбошпланЛИТИ" давлат унитар корхонасида Бош режа лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари — "Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси" директори ҳудудни инфратузилма билан таъминлаш, йўл ва кўприклар қуриш масалалари, муҳандислик, шаҳарсозлик ва архитектура ечимлари бўйича ахборот берди.

Лойиҳада яшиллик, қулайлик ва тежамкорликка алоҳида эътибор қаратилган, фаол иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт уйғунлаштирилган, транспорт тармоқлари пойтахтимиз билан оқилона боғланган.

Умуман айтганда, Янги Тошкент "ақлли" ва "боғ шаҳар" бўлиши назарда тутилмоқда. Маъмурий марказда давлат идоралари, Янги Ўзбекистон университети, кутубхона, тарих музейи, маданият саройлари жойлашади. Шунингдек, шаҳарда ишбилармонлик ва инновация туманлари, таълим, тиббиёт ва туризм кластерлари бўлади. 420 гектар майдонда марказий боғ, мавзелар орасида сунъий канал ва кўллар, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари бўйида сайилгоҳлар ташкил қилиниб, одамларнинг дам олиши учун сўлим шароитлар яратилади. "Тошкентнинг яшил белбоғи" лойиҳаси шу жойдан бошланади.

Бу компонентлар лойиҳаси Сингапур, Буюк Британия, Хитой, Германия, Туркия, Нидерландия, Жанубий Корея, БАА каби давлатларнинг 20 та илғор компанияси томонидан ишлаб чиқилмоқда. Давлатимиз раҳбари инфратузилма тармоқларини илғор стандартлар билан уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлади.

— Ўттиз икки йиллик мустақил тарихимизда биринчи марта бундай шаҳар қуряпмиз, бунга дунёдаги илғор компанияларни жалб қиляпмиз. Лекин биздаги соҳалар, стандартлар шунга мосми? — дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев. — Улар замонавий лойиҳалар билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Шунинг учун қурилиш, энергетика, коммунал, экология, ирригация, транспорт каби ҳамма тегишли соҳалардаги қонунларни, стандартларни жаҳоннинг энг юқори талабларига мувофиқ такомиллаштириш зарур.

Президент Бош режа асосида йил охирига қадар батафсил лойиҳалаш ишларини якунлаш, биринчи босқич иншоотлари бўйича лойиҳачи ва қурувчи корхоналарни аниқлаш бўйича кўрсатмалар берди.

— Нима учун бу лойиҳани шошмасдан, қайта-қайта кўряпмиз? Бу шаҳар юз йиллаб халққа хизмат қилиши керак. Одамлар биринчи ўринда бўлиши, келажакдаги қурилишлар ҳам инобатга олиниши зарур. Биринчи босқич мукаммал қурилса, мактаб бўлади, — деди давлат раҳбари.

Бўлажак бинолар ва инфратузилма эксплуатациясини ҳозирдан ўйлаш, бу бўйича мутахассислар тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

### Мулоқот

## АЛОҚАЛАР ДЎСТЛИК ВА ШЕРИКЛИК РУҲИДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Шу кунларда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси расмий ташриф билан Беларусь Республикасида бўлиб турибди.*

Кеча Сенат Раиси бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко томонидан қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Беларусь Ўзбекистоннинг МДҲдаги анъанавий ҳамкорларидан биридир. Мамлакатлар ўртасидаги алоқалар дўстлик ва шериклик руҳида изчил ривожланиб бормоқда.

Учрашув давомида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Суҳбатда парламентлараро мулоқот самарали ривожланаётгани, ўзаро манфаатли учрашув ва тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб борилаётгани, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси ҳамда Парламентлараро Иттифоқ доирасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Беларусь халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар — БМТ, МДҲ, ШҲТ доирасида конструктив ҳамкорлик қилмоқда.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Беларусь бизнес доиралари ва тадбиркор аёллар биринчи бизнес форумига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу тадбир аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиши, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича янги таклиф ҳамда ташаббусларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш учун самарали майдонга айланиши таъкидланди.

➔ 2

### Эксклюзив суҳбат

## ТАРИХИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ БАРДАВОМ

*Мустақил тараққиёт йиллари давомида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатли шериклик руҳида, икки мамлакат халқларининг кўп асрлик тарихий, маънавий ва маданий умумийлигидан келиб чиққан ҳолда дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурматнинг мустаҳкам тамойиллари асосида барпо этилмоқда.*

*Ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий тамойилларини белгилаб берувчи бошқа қатор ҳужжатлар асосида мустаҳкамланмоқда.*

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги кенг нишонланаётган шукуҳли кунларда Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бейбут АТАМҚУЛОВ мухбиримиз саволларига жавоб берди.*

➔ 4

### Биз ва жаҳон

## УЛУҒ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

*ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида "Абу Райҳон Беруний. Географик ва интеллектуал саёҳатлар" кўргазмаси очилди. Ушбу нуфузли тадбир буюк аллома ва мутафаккир таваллудининг 1050 йиллигига бағишлаб ташкил этилди.*

*Президентимизнинг 2022 йил 25 августдаги "Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, улуғ аждодимиз таваллудининг юбилей санаси ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда.*

➔ 4

### Президент ташрифидан кейинги ўйлар...

## САМАРҚАНД: ДАВРГА ҲАМНАФАС, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ



***Давлатимиз раҳбари дунё нигоҳида мамлакатимизнинг ўзига хос "ташриф қоғози" бўлган Самарқандга ўзгача меҳр билан қарайди. Шунинг учун ҳам ҳар гал вилоятга борганида, ютуқлардан қувонади, куюнчаклик билан камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқларини кўрсатади. Ўрта бўғин раҳбарларидан натижадорликни талаб қилади.***

3-саҳифага қаранг. ➔

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, МАНФААТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАШ

### ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА АКС ЭТМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида илгари сурилган ташаббуслар, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хусусида сўз юритилди. Парламент ишини ушбу дастуриламал нутқдан келиб чиқиб янада самарали ташкил қилиш, бу бўйича белгиланган чора-тадбирлар асосида изчил ва қизғин фаолият юритиш зарурлигига урғу берилди.*

*Шунингдек, мажлисда депутатлар жамият ҳаётини янада ислоҳ қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини кафолатлашга оид бир қатор қонун лойиҳаларини муфассал кўриб чиқдилар.*

### Хусусийлаштиришда янги услублар жорий этилмоқда

"Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида таъкидланганидек, амалдаги "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнларини очиқ ва ошкоралик, қонунийлик принциплари асосида амалга ошириш, харидорларнинг оммавий савдоларда иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топмаган.

Мазкур ҳужжатда хусусийлаштиришнинг фақат 2 та (кимошди, танлов) услуби назарда тутилгани, давлат активларини электрон-онлайн аукцион савдоларда сотиш ҳақидаги нормалар мавжуд эмаслиги ҳамда хусусийлаштириш соҳасида давлат органлари ваколатларининг чегаралари аниқ белгиланмагани қонуннинг ислоҳотлар талабларига жавоб бермаслигини кўрсатди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан хусусийлаштиришнинг барча босқичи, принциплари тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун даражасида батафсил мустаҳкамланмоқда. Хусусийлаштиришнинг қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, ҳисобдорлик, тенг рақобат муҳитини таъминлаш ҳамда коррупцияга йўл қўймаслик каби принциплари белгиланяпти.

➔ 2

# АЛОҚАЛАР ДЎСТЛИК ВА ШЕРИКЛИК РУҲИДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

◀1 Эришилган шартнома ҳамда келишувлар ижроси устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилиши аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Қўшма тадбирлар орқали гендер тенглигига эришиш ва Беларусь аёллар иттифоқи билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув давомида бошқа муҳим масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Минскда Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика кенгаши раиси Наталья Кочанова билан учрашув ўтказди.*

Қайд этилганидек, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама мустаҳкамланиб, мамлакат раҳбарларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли муносабатлар ўзаро ишонч ва дўстона муҳитда ривожланяпти.

Мунтазамлик касб этган ўзаро мулоқотлар парламентлараро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш имконини бераётир. Ушбу жараёнда икки давлат парламентлари юқори палаталарида тузилган парламентлараро дўстлик гуруҳлари муҳим ўрин тутади.

Қонун ижодкорлиги, гендер тенглик ва ёшлар сиёсати соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, ҳудудлар форумини ўтказиш орқали мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, шунингдек, рақамли ривожлантириш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш каби масалалар юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Икки давлат ўртасида турли соҳаларда эришилган келишувларни парламентлар фаолияти доирасида ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга келишиб олинди.

Олий Мажлис Сенати ва Миллий Мажлис Республика кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши муносабатларга янгича суръат бағишлашига умид билдирилди.

Ўз навбатида, бўлажак форум аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича янги таклифларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш учун самарали майдонга айланишига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, форумнинг якуний ҳужжати (декларация) икки мамлакат тадбиркор аёллари иштирокида янги қўшма бизнес лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика кенгашининг фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдирди.

Шундан сўнг икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Томонлар Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги, Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси ҳузуридаги Ёшлар кенгаши (парламенти) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда Беларусь аёллар иттифоқи жамоат бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумларни имзоладилар.

# АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Беларусь Республикасига ташрифи доирасида Беларусь Бош вазири Роман Головченко билан учрашди.*

Мулоқотда савдо-иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётгани, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир неча баробар ортиб, 2022 йилда 500 млн. доллардан ошгани, жорий йил бошидан буён ушбу кўрсаткич яна 37 фоизга (346 млн. доллар) ўсгани эътироф этилди. Шунингдек, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 млрд. долларга етказиш учун қонунчилик даражасида биргаликда амалга ошириладиган ишларни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан ҳукуматлараро комиссиянинг 10-мажлисини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Учрашувда икки мамлакат ўртасида эришилган келишувларни амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатларига кўмак бериш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, ҳудудлар форуми туфайли мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида алоқалар ривожланмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу тадбирни ўтказиш амалиётини давом эттириш муҳим ҳисобланади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли лойиҳаларни илгари суришдан, шунингдек, ҳудудлараро алоқалар ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни мустаҳкамлашдан икки томон ҳам манфаатдор экани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот якунида аёлларни тадбиркорлик ва инновацион фаолиятга, IT соҳасига, биотехнологияга фаол жалб этиш, уларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш бўйича амалий чора-тадбирларнинг қўшма режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масаласини муҳокама қилишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, МАНФААТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАШ

## ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА АКС ЭТМОҚДА

◀1 Шунингдек, амалдаги қонунда белгиланмаган электрон-онлайн аукцион, танлов ва биржа, музокаралар оммавий таклиф қилиш, рақобатга асосланган мулоқот асосида сотиш, корхонани ва кўчмас мулк объектини бошқа жамиятнинг устав фондига киритиш ва корхоналарни кейинчалик сотиш шарти билан ижарага бериш каби хусусийлаштиришнинг янги 8 та услуби киритилмоқда.

Энг муҳими, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан хусусийлаштирилган мулкнинг дахлсизлигини кафолатлаш белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги муносабатлар тартибга солинади

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — **“Тўловга қобилиятсизлик соҳаси такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур ҳуқуқий асос ҳамда шароитлар яратиб берилмоқда. Бу янги корхоналар ташкил қилинишида, мавжудлари фаолиятининг кенгайишида, пировард натижада эса кўплаб янги иш ўринлари очилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидланишича, 2022 йил 12 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушган тадбиркорлик субъектларини тугатиб юбориш эмас, балки молиявий соғломлаштириш ҳамда соҳада вужудга келаётган янги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонуннинг амалиётда тўлақонли ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларини ушбу ҳужжатга мувофиқлаштириш зарур. Шу боис мазкур қонун лойиҳаси билан 7 та кодекс ва 18 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этиляпти.

Депутатларнинг фикрича, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши орқали амалдаги қонун ҳужжатлари “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштирилади. Тўловга қобилиятсизлик ҳолатидаги корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш тартиб-таомилларини қўллаш орқали уларнинг фаолиятини тиклаш ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш самарадорлиги оширилади.

Савол-жавоблар ва узоқ давом этган тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Ўзбекистон яна бир халқаро инвестиция жамғармасига аъзо бўлади

Депутатлар томонидан **“Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Анқара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш бўйича 2019 йилда Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг 7-саммитида давлат раҳбарлари томонидан маъқулланган. Шунингдек, Кенгашнинг 2021 йилдаги норасмий саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этишни жадаллаштириш ташаббус қилинган.

Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимнинг асосий мақсади — Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида минтақавий савдони ва иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётни ривожлантиришдан иборат. Ушбу Битим Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этишни ҳамда унинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Шу билан бирга, Туркий инвестиция жамғармаси доирасида ҳамкор давлатлар, жумладан, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия билан инвестициявий лойиҳаларни, хусусан, электротехника, енгил саноат, автосаноат, чармсаноат, қурилиш материаллари соҳаларида қўшма саноат кооперацияси каби лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга хизмат қилади.

Жамғарманинг маблағлари минтақалараро савдо, қўшма лойиҳалар, “яшил” иқтисодиёт, ахборот технологиялари, транспорт, логистика ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилади.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг яна бир халқаро инвестиция жамғармасига тўлиқ улуш билан аъзолик қилишига ҳуқуқий асос яратади.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маъмурий ислоҳотлар

Маъмурий ислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилишга қаратилган — **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига республика ижро этувчи ҳокимияти органларининг номларини мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини депутатлар биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат органларининг вазифаларига оид бўлмаган юкламаларни қисқартириш, соҳага замонавий бошқарув тизимини жорий этиш ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органи ва ташкилотида 40 та раҳбар ўринбосари лавозимлари қисқартирилди.

Шунингдек, янги Ўзбекистон шароитида замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, қарор қабул қилиш ва масалани кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш орқали давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш асосий мақсад сифатида қаралмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича белгиланган вазифаларни қонунчилик ҳужжатларида акс эттиришга қаратилган. Бунда вазирлик ва унинг ҳудудий тузилмалари номлари билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишида номувофиқликларни бартараф қилиш назарда тутилади.

Лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг 10 дан ортиқ қонунларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги айрим республика ижро этувчи ҳокимияти органларининг номларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфига ўтказилган республика ижро этувчи ҳокимияти органлари ҳисобланади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги айрим республика ижро этувчи ҳокимият органларининг номлари амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Интернетда товламачилик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда

Мажлисда **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Бугунги кунда интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда шахсларнинг мобиль қурилмаларини ҳамда ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардаги аккаунт ва каналларини зарарли дастур юбориш орқали блоклаб (тўсиб) қўйиш, маълумотларини ўчириб юбориш, ўзгартириш ёки олиб қўйиш билан қўрқитиб пул ундириш ёки бошқа моддий манфаатдорлик талаб қилиш ҳолатлари юзага келмоқда.

Шунингдек, рақамли технологиялар маконида қонунга хилоф равишда криптоактивлар айланмаси билан шуғулланиш, аноним криптоактивлар майнингини амалга ошириш ҳамда мобиль қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини қонуний ишлаб чиқарувчисининг рухсатисиз ўзгартириш каби ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўпайиб боряпти.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан интернетда товламачилик, ноқонуний криптоактивлар айланмаси ва майнинги билан шуғулланганлик учун жиноий жавобгарлик ҳамда мобиль қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини қонуний ишлаб чиқарувчисининг рухсатисиз ўзгартириш, шунингдек, ушбу мақсадда махсус дастурлар ишлаб чиқиш, ўтказиш ёки улардан фойдаланиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонун ташаббускорларининг маълум қилишича, ноқонуний криптоактивлар айланмаси ва майнинги билан шуғулланганлар, агар улар тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган бўлишса жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятларни фош қилиш, уларга қарши курашиш ҳамда терговда барча куч ва воситаларни тўлиқ йўналтиришга, шунингдек, криптоактивлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш ва қонунга хилоф равишда майнингни амалга ошириш учун жавобгарлик доираси аниқ норма билан белгиланишига хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор асосли таклифлар берилди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг заруратини ҳисобга олиб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

### Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланади

Депутатлар томонидан **“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада конституциявий-ҳуқуқий, қонунчилик, институционал ва амалий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан ҳам инсон қадрини улуғлашга доир устувор вазифалар ўрин олгани, янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон ҳуқуқларига оид нормалар сони 3,5 баробарга ошгани юртимизда инсонга бўлган эътибор қай даражада юқори эканлигидан далолат беради. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар марказида, энг аввало, инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ғоя мужассамдир.

Шунингдек, мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини, уларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, жамият фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тизимли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 76-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай сўнгги пайтларда республикада фақатгина диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳлар сони ва бунинг ортидан кўпхотинлик ҳолатлари ортиб бормоқда. Шунингдек, реклама, кўнгилочар ва таҳлилий материаллар орқали кўпхотинлик ва унинг “афзалликлари”ни тарғиб қилиш авж олмоқда. Бунинг оқибатида қонуний никоҳсиз туғилган болалар сони ҳам ошган.

Хусусан, 2022 йилда республика бўйича 18 955 та ҳолатда туғилган чақалоқлар ёлғиз она аризаси асосида қайд этилган. 2021 йилда ушбу кўрсаткич 19 037 тани, 2020 йилда 16 564 тани ташкил қилган.

Никоҳ белгиланган тартибда ФҲДЁ органларида қайд этилмагани оталикни белгилаш, алимент тайинлаш, мерос масалаларига оид турли муаммоларни келтириб чиқариб, натижада фуқароларда, айниқса, аёлларда давлатнинг ҳуқуқий сиёсатига нисбатан бўлган ишонч йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, жиноий ва маъмурий қонунчиликда миллий, ирқий, этник ва диний адоват қўзғатганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса-да, ушбу моддалар етарлича аниқ баён этилмаганлиги адоват қўзғатувчи материаллар муаллифларининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ва малакалаш имконини бермаяпти.

Қолаверса, сўнгги пайтларда гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб этиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай ҳолат эса “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга асосан жинс бўйича билвосита камситиш ҳисобланади.

Ушбу ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари тўлақонли бажарилишига ҳам тўсиқ бўлади. Хусусан, 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияда (Ўзбекистон Конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилган) иштирокчи давлатлар бу каби хатти-ҳаракатларга нисбатан қонунлар билан аниқ жавобгарлик чораларини белгилаш шартлиги қайд этилган.

Бош қомусимизда унда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Шундан келиб чиқиб, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб бир тоифа фуқароларнинг бошқа тоифа фуқаролардан устунлигини ёки нуқсонли эканлигини тарғиб қилганлик, никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилганлик, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини очиқдан-очиқ инкор этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Жамоат тартибини сақлаш бўйича кўрилаётган чоралар, хусусан, “Хавфсиз шаҳар” концепцияси доирасида жорий этилган ахборот дастурларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида жамоат жойларида шахсини идентификация қилиш имконини бермайдиган даражада юзини тўсган ҳолда бўлганлик учун маъмурий жавобгарлик чораси киритилмоқда. Бунда жавобгарликни истисно қилувчи ҳолат сифатида тиббий кўрсатма асосида ёки меҳнат ва хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолатларда ёхуд йўл-транспорт ҳаракатида хавфсизликни таъминлаш учун кийиладиган махсус бош-кийимда ёки спорт ва маданий тадбирлар пайтида уларнинг иштирокчилари томонидан, шунингдек, қонунчиликда рухсат этилган бошқа ҳолатларда юзини тўсган ҳолда бўлиш ҳолати белгиланмоқда.

Лойиҳа билан киритилиши назарда тутилаётган жавобгарлик чоралари бир қатор хорижий, жумладан, Франция, Австрия, Дания, Бельгия, Болгария, Швейцария, Туркия, Марокаш, Қозоғистон, Ҳиндистон, Индонезия каби мамлакатларда ҳам қўлланилади.

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамиятда миллатлараро тотувликни, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашга ҳамда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш бўйича кўрилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасидаги айрим нормалар юзасидан бир қатор саволларни ўртага ташлашди. Лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирди.

Қизғин савол-жавоблар ва узоқ давом этган тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Айрим бюрократик тартиб-таомиллар бекор қилинади

Мажлисда **“Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизими соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Шу йил 18 август куни тадбиркорлар иштирокида ўтказилган очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларнинг солиқ идоралари билан бўладиган барча низолари маъмурий суд ваколатига ўтказилиши, шунингдек, уларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қилишидаги ҳар қандай чекловлар олиб ташланиши таъкидланган эди.

Таклиф этилаётган лойиҳа билан 4 та ҳужжатга — Солиқ кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ҳамда “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонунларга тадбиркорлик субъектларига қатор енгилликларни яратишга қаратилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, солиқ тўловчиларга солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича имзолаган қарорлари устидан тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектининг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор чиқарилганда кредиторларни ёзма равишда хабардор этиш ва оммавий ахборот воситаларида бу ҳақда эълон бериш тартибини бекор қилиш белгиланяпти.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлашга ҳамда уларга ортиқча харажат ва мажбурият юклайдиган айрим бюрократик тартиб-таомилларнинг бекор қилинишига йўл очади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Оилавий тадбиркорлик янада ривожланади

Оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган — **“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритишни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва чора-тадбирлар натижасида бизнес муҳити яхшиланиб, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий тараққиётимизни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари уч нафаргача доимий ишчини ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси тузишга ҳақли эканлиги белгиланган. Ишчилар сонининг уч нафар қилиб белгиланганлиги оилавий тадбиркорлик субъектларига иш ҳажмини ва фаолият кўламини оширишда муаммоларни юзага келтираётгани бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан оилавий тадбиркорлик субъектлари энди уч нафар эмас, балки беш нафаргача доимий ишчини ёллайди, улар билан меҳнат шартномаси тузишга ҳақли ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини янада ривожлантириш имконияти яратилади.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Электрон архивлаш хизматлари соддалаштирилади

Мажлисда **“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда нодавлат электрон архивлар ташкил қилишни тартибга солувчи тартиб-таомилларни соддалаштириш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ҳужжатларни электрон архивлаш (сақлаш) хизматларини кўрсатувчи нодавлат архивларнинг маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талабини хабардор қилиш тартиб-таомилига ўтказишни назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, нодавлат архивларни давлат ва нодавлат архивлари реестрига киритиш ҳамда ҳужжатларни электрон архивлаш (сақлаш) хизматларини кўрсатувчи нодавлат архивларнинг маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби хабардор қилиш тартибини жорий этиш орқали бекор қилиш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, нодавлат архив фаолиятини ташкил этиш бўйича ваколатли органни хабардор қилмасдан фаолиятни амалга оширганлик, шунингдек, хабардор этиш тартибида фаолият юритиш учун белгиланган талаблар ва шартларнинг бажарилганлиги юзасидан ваколатли органга ёлғон ёки нотўғри маълумотлар берганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## *Сўз — депутатларга*

**Жамшид ҚОСИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Хусусийлаштириш — иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириб, мулкдорлар кўпайишига йўл очади. Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларидаги кўрсаткичлар ижобий динамикада ўсиб бориши таъминланди.

Мажлисда қизғин муҳокама қилинган “Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси билан хусусийлаштиришнинг барча босқичи ҳуқуқий мустаҳкамланмоқда. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан хусусийлаштириш жараёнларининг очиқ ва ошкоралиги таъминланишига, харидорлар учун тенг шароитлар яратилишига, ваколатли давлат органларининг хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари қонун доирасида аниқ белгиланишига эришилади.

Куни кеча қонун лойиҳаси фракцияларда ҳам қизғин муҳокама қилинди. Таклифлар, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Албатта, буларнинг барчаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда қўл келади.

**Жавлон ЭРГАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Бозор иқтисодиёти шароитида янги корхоналар сафи кенгайиши билан улар орасида тўловга қобилиятсизлик ҳолатидаги корхона ва ташкилотларнинг ҳам ортиб бориши табиий. Тўловга қобилиятсиз корхоналарнинг тугатилиши ҳамкор ташкилотлар ўртасида низолар, улар фаолиятига салбий таъсирлар ва бошқа кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундай масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан қонун билан тартибга солиш ўта муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда тўловга қобилиятсизлик ҳолатлари “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинган. Бироқ бугунги кунда бутун дунёда рўй бераётган кескин иқтисодий ўзгаришлар бу соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Тўғри, 2022 йил 12 апрелда янги таҳрирда “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Бироқ бугунги кунда дунёда рўй бераётган изчил иқтисодий ўзгаришлар бу соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Таклиф қилинаётган “Тўловга қобилиятсизлик соҳаси такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Ушбу ҳужжат жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Шаҳноза ХОЛМАХАМАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда архив иши ва иш юритиш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш борасида ижобий натижаларга эришилди. Шунингдек, Миллий архив фонди Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлари билан бойитилди.



Тадбиркорлик субъектлари учун архив ҳужжатларининг тўлиқлиги, уларни ҳисобга олиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар соддалаштирилди, шу жумладан, архив ҳужжатлари муддатлари қайта кўриб чиқилиб, уларнинг узоқ муддат сақланиши лозим бўлган турлари қисқартирилди.

Мажлисда муҳокама этилган “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси соҳанинг ҳуқуқий асосини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Унинг қабул қилиниши нодавлат архивлар фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида ҳужжатдаги айрим нормалар юзасидан турли саволлар ўртага ташланди ва уларга мутасаддилардан атрофлича жавоблар олинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

# САМАРҚАНД: ДАВРГА ҲАМНАФАС, КЕЛАЖАККА ИШОНЧ







## Ўзгаришлар Президентни ҳам, халқни ҳам қониқтириши керак

Давлатимиз раҳбари жойларда давр билан ҳамқадам бўлмаётган, халқнинг розилигини оғизда шиор қилиб, амалда риоя этмаётган, ўз соҳасини тортолмаётган тасодифий раҳбарларнинг жавобини бериб, ўрнига иқтидорли, шижоатли ёшларни тайинлайди. Ватан истиқболи, мустақиллигини фидойилик, сафарбарлик билан мустаҳкамлаш ҳаммамиз учун ҳаёт-мамот масаласи эканини бот-бот такрорлайди. Президентимизнинг Самарқандга бу галги ташрифи ҳам ана шундай ишчанлик шароитида кечди.

Уч минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг "олтин белбоғи" бўлган Самарқандни бутун дунё аҳли билади. "Қани энди, бир марта Самарқандга борсам, бу афсонавий шаҳардаги тарихий обидаларни, зиёратгоҳларни кўрсам", деб орзуманд бўлиб юрганларнинг эса сон-саноғи йўқ. Айни шу маънода, бу ерда тадбиркорлик, инвестиция, саноат, туризм соҳаларидаги имкониятлар чексиз. Аммо дунёга донғи кетган бу диёрда одатий ҳолга айланган чироқ ўчиб-ёниши нафақат аҳолини, хусусан, меҳмонларни ҳам ранжитиб қўяётгани бор гап.

Электр истеъмоли ошаётгани ҳисобига бу йил вилоятда электр тақчиллиги 2022 йилдагидан кўпроқ бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун Оқдарё ва Пастдарғомдаги нимстанцияларни янгилаш, йил якунигача Каттақўрғон тумани ва Самарқанд шаҳрида қуввати 250 мегаватт бўлган 2 та қуёш фотоэлектр станциясини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Фаоллар билан учрашувда ўтган етти ойда вилоятда 600 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилгани ҳақида сўз борди. Лекин унинг 78 фоизи Самарқанд шаҳри, Каттақўрғон, Пастдарғом ва Самарқанд туманлари ҳиссасига тўғри келяпти. Қолган туманларда бу борада натижадорлик кўринмаяпти.

"Албатта, Самарқандда ўзгаришлар бўлди. Бу Президентни қониқтирадими ёки йўқми? Мени қониқтирмайди. Самарқанднинг одамлари бу ислоҳотлар уларнинг уйларига, хонадонларига қачон кириб келар экан, деб кутиб ўтирибди. Жойлардаги ҳокимлар "уйғониши" керак, акс ҳолда, уларни лавозимидан кетишга мажбур қиламиз", деди давлатимиз раҳбари.

## Ёшлар муносиб ҳақ тўланадиган иш жойларига қизиқади

Президентимиз ҳудудларга борганида, энг аввало, аҳолининг қанчаси муҳожирликда ишлаётгани билан қизиқади, уларни муносиб иш ўрни яратиш ҳисобига ўз уйи, ўлан тўшагига қайтариш чораларини кўради. Иқтидорли ёшларни хориждан чақириб олиб, Ватан равнақи йўлида фаолият кўрсатишига имкон яратишни шахсан ўзи назорат қилади.

Президент айтганидай, ҳар бир ҳоким ҳудудидаги имкониятдан тўғри фойдаланиб, одамларга иш ўрни яратмаса, буни четдан келиб ҳеч ким бажармайди. Аҳолини, айниқса, ёшларни ишли қилиш, уларнинг тирикчилик илинжида узоқ ўлкаларга улоқиб кетишларига барҳам бериш учун муносиб ҳақ тўланадиган иш жойлари яратиш лозим.

"Самарқанд вилоятида 150 минг ишсиз бор, 220 минг нафари четда юрибди. Одамларни даромадли қилса бўладими, ким қилади шуни? 14 та туман ва 2 та шаҳар раҳбарлари қилади. Менинг ниятим — уларни тезроқ қайтариб олиб келиш, шароит ва иш ўринлари яратиш. Ўйлайманки, улар рози бўлади ва менинг ҳам ниятларим амалга ошади", деди давлат раҳбари. Ана шу мақсадда маҳаллаларда тадбиркорлик ва деҳқончиликни қўллаб-қувватлаш, узум ва писта етиштиришни кўпайтириш, серқатнов йўллар бўйида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари кун тартибига қўйилди.

"Ургут" эркин иқтисодий зонасининг 15 та тумандаги ҳудуди ва вилоятдаги 106 та саноат зонасини инфратузилма билан таъминлаш учун шу йилнинг ўзида 170 млрд. сўм ажратилган. Лекин 620 гектар ер майдони ҳали ҳам бўш турибди. Ҳозирги пайтда мутасадди раҳбарлар томонидан ана шу жойларга тадбиркорлар жалб этиляпти.

Бугунги кунда вилоятда туризм соҳасида 20 мингта доимий иш ўрни яратиш ва экспортни 500 млн. долларга етказиш имконияти бор. Ана шунинг учун жозибадор дастурларни кўпайтириш, йўлларни ва жамоат транспортини қулай қилиш учун иш олиб борилмоқда. Вилоятнинг туризм салоҳияти юқори бўлган 100 та маҳалла ва қишлоқда "туризм ипотекаси" дастури асосида янги саёҳат манзиллари очиш бўйича саъй-ҳаракатлар бошланди.

— Ёшларга муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринлари яратиш бутун дунёда долзарб. Президентимиз Самарқандда бўлганида ҳам шу масалани кун тартибига қўйди. Чунки хорижда яшаб, меҳнат қилиш машаққатини бошидан ўтказган билади, — дейди Жомбой туманидаги Найман маҳалласида яшовчи Шаҳзод Нуриллаев. — Ота-онамнинг насиҳатига қулоқ солмай пул топиш илинжида бундан 3-4 йил аввал хорижга кетдим. Минг бир хўрликларни, камситишларни кўрдим.

Хуллас, отамнинг гапига кириб уйга қайтдим. Ҳовлимиздаги бир сотих томорқа майдонида малина етиштириларди. Шу иш билан астойдил шуғулландим. Ҳозир ана шу зироатчилик орқасидан йилига 100 миллион сўмдан зиёд даромад оляпман. Астойдил йиғласанг, сўқир кўздан ҳам ёш чиқар, дейдиларку. Ишни ҳам дўндирдим, тайёргарлик кўриб, тўлов-шартнома асосида Самарқанд давлат университетига ўқишга қабул қилиндим. Президентимиз яратган имкониятлардан фойдаланиб, 2-3 йил ичида экин майдонини 3 гектарга етказдим. Ёшлар учун ўндан зиёд ишчи ўринлари яратдим, улар ҳам ўз бизнесларини бошлаяпти. Ҳозир ўқиш харажатларим қопланяпти, машина ва уй ҳам сотиб олдим. Биз ёшлар "пул кўп экан" деб, хорижни орзу қилмасдан, шу ерда ишласак, олдимизга қўйган ният ва мақсадларимизга эришишимиз мумкинлигини амалда кўрдим. Бундан жуда хурсандман!

## Мусулмонларнинг иккинчи Каъбаси

Ислом оламининг қуёши бўлган Имом ал-Бухорийнинг табаррук қабри Самарқандда эканини дунё билади. Буюк муҳаддис бобомиз Имом Абу Абдуллоҳ ал-Бухорийнинг қабрини зиёрат қилиш учун ҳар йили юртимизга дунёнинг турли бурчакларидан минг-минглаб зиёратчилар келишади. Шунинг учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йилда бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ҳадис илми мактаби ташкил этилган эди. Бундан икки йил муқаддам ушбу зиёратгоҳда янги лойиҳа бўйича реконструкция ишлари бошланди. Ўтган вақт ичида бу ерда қарийб 10 минг намозхонга мўлжалланган масжид, тўртта минора, айвонлар барпо қилинди.

Давлатимиз раҳбари Имом Бухорий мажмуасида давом этаётган пардозлаш ишларини кўздан кечириб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди. Бу ислом оламида барча меҳмонлар учун табаррук зиёратгоҳ сифатида энг обод ва кўркам қадамжолардан бири бўлади.

— Ҳадис илмининг султони сифатида дунёда ном қозонган Имом Бухорий сингари алломаларимиз мусулмон оламининг фахри ҳисобланади, — дейди Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси раиси Деҳқонбой Эрмаматов. — Президентимиз ҳар гал Самарқандга келганида қурилишларни кўздан кечириб, камчиликларини кўрсатади, тузатишлар киритади. Қурувчи ва меъморларимиз саъй-ҳаракати билан бунёд қилинаётган маҳобатли янги мажмуа яхлит бир илм-маърифат шаҳарчасига айланди.

Айтиш жоизки, Имом ал-Бухорий мажмуаси қурилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг энг йириги ҳисобланади. Бу ерга келган меҳмонлар ер ости галереяси орқали Имом Бухорий қабрини зиёрат қилиш имконига эга бўлишади. Мажмуадаги олти асрлик қадимий чинорлар, қайнаб чиқаётган булоқ ва ҳовуз аввалги ҳолича сақлаб қолинган бўлиб, алоҳида қаровга олинган. Кўкаламзорлаштириладиган майдонлар 2 гектардан зиёд бўлади. Мажмуа деворлари миллий нақшлар, пардозбоп тошлар билан сайқалланади. Мажмуа атрофида улкан хиёбон, меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, икки ён қисмида инфратузилма объектлари қурилмоқда.

Ишонамизки, дунё ислом оламидан бу ерга зиёратга келган меҳмонлар мажмуа салобати, бетакрорлигидан ҳайратга тушиши, завқланиши турган гап. Умуман, бу ерда зиёратчилар учун ҳам, илми толиблар учун ҳам барча шароит мавжуд бўлади.



## «Ота-онангга, сенга тарбия берганларга раҳматимни етказиб қўй!»

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи чоғида олдиндан белгиланган жойларга эмас, аҳоли турмуш тарзи билан танишиш мақсадида кутилмаганда оддий хонадонларга, таълим муассасаларига киради, одамларнинг кайфияти билан қизиқади. Шунинг учун оқдарёлик фаоллар билан учрашув доирасида тумандаги 32-умумтаълим мактабида бўлиб, бу ерда тадбиркорлар билан ҳамкорликда ўқувчиларни касбга ўқитиш тажрибаси билан танишди.

Таълим муассасасида ўқувчиларни 7-синфдан бошлаб маҳалла ва туманда талаб юқори бўлган ветеринар, агроном, мева-сабзавот қуритиш, ипакчи, мебелчи, автомобиль устаси каби 15 та касб-ҳунарга ўргатиш ва 2 та чет тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Бу ишлар маҳаллий бюджет ва тадбиркорлар ҳисобидан ташкил қилинган бўлиб, ўқувчилар ўз меҳнатлари учун иш ҳақи оляпти. Давлатимиз раҳбари барча вилоятлар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари раҳбарларига Оқдарёга бориб, бир ҳафта давомида ушбу тажрибани ўрганишни топширди.

— Мен шу мактабнинг собиқ ўқувчисиман, — дейди "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Шуҳрат Неъматов. — Бу ерда яратилган шарт-шароитларни кўриб кўзингиз қувонади. Фарзандларимиз, набираларимиз таҳсил олиш билан бирга касб-ҳунар ўрганишяпти. Ўтган йили мактабни битирган ёшларнинг олий таълимга қамрови 25 фоизни ташкил этган экан. Бу йил 51 фоизга чиқибди. Мактабда рус, инглиз француз тиллари ўқитилади. Бу эса битирувчиларнинг тил билишига, меҳнат бозорида муносиб ўрнини топишига замин бўлади.

"Joy akademy" ўқув маркази асосчиси Шодиёрхон Абдивойитов Сингапур менежментни ривожлантириш институтини тугаллаган. Оқдарёлик бу йигит бугунги кунда дунёнинг кучли бешталигига кирувчи Ҳарвард университети талабаси. У келажакда ўзи туғилиб ўсган ҳудуд ёшларининг илм олишига шароит яратишга аҳд қилган.

— Оқдарёнинг Пичоқчи маҳалласида туғилганман, шу ерда мактабни тамомлагач, нуфузли олийгоҳларда ўқиш шарафига муяссар бўлдим, — дейди Шодиёрхон Абдивойитов. — Президентимиз билан учрашувда Ҳарвард университетини битириб, қишлоғимизга қайтиш ниятим борлигини айтдим. Ўрганганларим, бор салоҳиятимни юртимиз равнақи учун сафарбар қилишга сўз бердим.

— Ўғлим Президент билан учрашганида у ота-онангга, сенга тарбия берганларга раҳматимни, саломимни етказиб қўй, дебди. Бу сўзлардан бошим осмонга етди, ниҳоятда фахрландим, — дейди Шодиёрхоннинг отаси Толибхон Абдижалилов.

Шу ўринда айтиш керакки, Президентимиз томонидан ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор, IT технологияларининг жорий этилиши катта самара бераётир. Мана, масалан, Самарқанд шаҳридаги 9-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шаҳноза Аҳматованинг кўплаб шогирд-ўқувчилари "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси иштирокчиси. Ўзи эса маҳаллий ва халқаро танловларда қатнашиб, кўплаб сертификатларга эга бўлган. Айни вақтда 1 минг АҚШ долларидан кўпроқ ойлик маош олади.

> ***Бугун янги Ўзбекистон шиддатли ривожланиш йўлидан бормоқда. Учинчи Ренессанс халқни бир мақсад йўлида бирлаштирди, келажак пойдеворига тамал тоши қўйди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида Самарқанд ҳам кундан-кунга ўзгаряпти, ривожланяпти. Буни Президентимиз ташрифидан кейин янада янги марраларни кўзлаётган самарқандлик зиёлилар, маърифатчилар, тадбиркорлар, қўйингки, оддий одамларнинг гап-сўзларидан, кайфиятидан ҳам билиб олса бўлади. Уларнинг эртанги кунга, келажакка бўлган ишончи устувор. Ишонч бор жойда эса бунёдкорликлар, янгиланишлар бардавомдир.***

## Университет илмий салоҳияти 100 фоизга етади

Президент ташриф буюрган манзиллардан яна бири — Самарқанд давлат университети. Бу масканда 25 мингдан ортиқ талабалар таълим олади. Унинг тасарруфида Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги, Муҳандислик физикаси, Туркология илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилган.

Жорий йилда Биокимё институти университетнинг биология ва кимё факультетлари негизида очилди. Таълим муассасаси учун еттита янги бино қурилди. Мингдан ортиқ ўринга эга 2 та ўқув биноси, мажлислар зали, оранжерея-иссиқхона комплекси, Виварий — биологик илмий-тадқиқотлар лаборатория биноси, ботаник тадқиқотлар ва гербарий илмий лаборатория биноси ҳамда талабалар ошхонаси барпо этилди.

— Ҳаётимнинг қарийб 60 йили шу факультет билан боғлиқ, — дейди Самарқанд давлат университети профессори Худоёр Келдиёров. — Эски бино хом ғиштдан қилинган ва нураб, носоз ҳолатга келиб қолган эди. Қисқа вақт ичида халқаро стандартларга жавоб берадиган Виварий — биологик илмий-тадқиқотлар лабораторияси қурилди. Бу шунақанги жиҳозландики, бирор-бир яқин мамлакатларда бундай жиҳозлар йўқ. Мана, қилса бўлар экан-ку!

— Мен 9 йил давомида Хитой Халқ Республикасининг турли илмий текшириш институтларида фаолият олиб бордим, — дейди университет профессори Хуршид Бозоров. — Илмий тадқиқот йўналишим онкология, кимётерапия соҳасида дори воситаларини синтез қилишдан иборат. Бу ишларни ҳамкорликда олиб бориш учун АҚШ, Япония, Германия ва Хитой давлатларидан етук профессор, олимларни таклиф этдим. Президентимиз бизнинг ғояларимизни қўллаб-қувватлаб, уни молиялаштириш манбаларини ҳам белгилаб берди. Бунинг натижасида келажакда онкология йўналишида дори воситаларини синтез қилиб, саноатга етказиб берадиган, жаҳон фармбозорида катта эҳтиёжга эга бўлган препаратларнинг Ўзбекистон брендини яратиш имконияти пайдо бўлди.

— Бугунги кунда Биокимё институтида 8 таълим йўналишида 2800 нафар талаба таҳсил олмоқда. Умуман, университетда 12 та илмий ва 67 та ўқув лаборатория бор. 2025 йилгача илмий салоҳият 100 фоизга етказилади, — дейди Самарқанд давлат университети ректори Рустам Холмуродов. — Институтда Ўзбекистон иқтисодиётига ижобий таъсир бера оладиган, ишлаб чиқариш даражасигача олиб чиқадиган тадқиқотлар ўтказилади ва амалиётга татбиқ этилади. Бунинг учун имкон ҳам, рағбат ҳам, шароит ҳам бор. Биз энди турли ишлаб чиқариш корхоналари, завод-фабрикалар билан экспорт қилиш мумкин бўлган даражадаги юқори интеллектуал қийматга эга маҳсулотлар бера оламиз. Бунинг учун илмий салоҳиятимиз ҳам етарли.

## Янги ташаббуслар қулоч ёймоқда

— Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси барча йўналишида аҳоли фаровонлиги, инсон қадрини улуғлаш ғояси мужассам, — дейди Самарқанд тумани ҳокими Сирожиддин Усмонов. — Бирорта соҳа йўқки, Президентимиз эътиборидан четда қолган бўлса! Биз ана шунга қараб, ўз ишларимизни ташкил этишимиз керак. Шу мезон асосида иш тутилса, ўз-ўзидан муаммоларнинг ечими топилади. Президентимизнинг Самарқандга ташрифи чоғида берган кўрсатмалари, топшириқлари кундалик ҳаётимиз, фаолиятимиз мазмуни бўлиши керак, деб ўйлайман.

Эсимда, Президентимиз вилоятимизда раҳбар бўлиб ишлаётган пайтида Самарқанд туманининг Хишрав қўрғонига туташ ташландиқ ҳудуддаги улкан чиқиндихонани йўқотиш учун жуда катта меҳнат қилинди. Чиқиндихонанинг бадбўй, қўланса ҳиди наинки шаҳарга, ундан ташқарига ҳам етиб борарди. Етти чақирим наридан пиёда ёки машинада ўтган одамнинг ҳам нафаси бўғилиб қоларди. Ўшанда катта саъй-ҳаракатлар билан ана шу ҳолатга барҳам берилган эди.

Энди манзара бутунлай ўзгарди. Қачонлардир самарасиз ҳисобланган 37 гектарлик майдонда барпо этилаётган савдо, саноат ва сервис мажмуасида Самарқанд саноати ва иқтисодиётини янада ривожлантирувчи, умумий қиймати 2 трлн. 79 млрд. сўмлик 7 та лойиҳа амалга ошириляпти. Умуман олганда, кейинги 5-6 йил ичида илгари аграрчиликка ихтисослаштирилган туман тадбиркорларининг саъй-ҳаракати, инвесторларнинг кўплаб сармоя киритиши натижасида саноатлашган ҳудудга айланди, шунинг ҳисобига аҳолининг турмуш тарзи янада фаровонлашди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудда барпо этиладиган 20 та кичик корхона аҳамиятига алоҳида тўхталиб, лойиҳаларни тезлаштириш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ҳамда туманни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича топшириқлар берди. Ҳозир ана шулар устида иш олиб боряпмиз.

— Президентимиз 11 гектарлик майдонда қурилиб, яқинда ишга тушадиган автомобиллар эҳтиёт қисмлари бозорини кўздан кечириб, бизга тегишли кўрсатма ва топшириқларни берди, — дейди комплекс менежери Муҳаммадисо Аҳмедов. — Савдо дўконларида 3 мингта иш ўрни яратилади. 751 та савдо нуқтаси кичик тадбиркорлар учун, автомобилларга хизмат кўрсатиб, даромад топаётган ишбилармонлар учун қулай платформа вазифасини ўтайди. Умуман, ушбу лойиҳаларда ўн мингга яқин аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Дарҳақиқат, давлат тадбиркорга, тадбиркор эса давлатга ишонса, муваффақиятлар занжири бир-бирига уланаверади. Самарқанд шаҳри ҳудудининг Наврўз маҳалласидаги рух ва полимер билан қопланган металл листлар тайёрлашга ихтисослаштирилган "Азияметаллпроф" МЧЖ жойлашган ҳудуди ҳам 4-5 йил олдин қаровсиз, ҳамма яширинча чиқинди ташлаб кетадиган жой эди. Корхонага 33 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, 2018 — 2022 йилларда хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 110 млн. долларлик лойиҳалар амалга оширилди.

Бу маҳсулотлар илгари Ўзбекистонга чет давлатлардан олиб келинарди. Бугунги кунда ана шу импорт ўрнини босадиган, экспортбоп сифатли маҳсулотлар Европа ва Грузия, Озарбайжон давлатларига жўнатиляпти. Ўтган йили корхона томонидан 65 млн. АҚШ долларига яқин маҳсулот экспорт қилинди.

Жамоа бугунги кунда яна бир йирик, пўлат эритиш лойиҳаси устида ишляпти. Қиймати 196,3 млн. АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида корхонада йилига 800 минг тонна металл ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

## Ўтмиши улуғвор, бугуни чароғон

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуму машҳурдир.

"Оламда шундай номлар борки, улар кишини хаёлга чўмдиради, уларнинг сеҳри у номларни эшитганинг ёки ёзувини кўрганинг ҳамон дарҳол таъсир эта бошлайди. Хаёлот сари етаклайдиган номлар орасида тасаввуримизни ром этадиган бир ном бор. У ҳам бўлса Самарқанддир", деган эди ЮНЕСКОнинг 1987 — 1999 йиллардаги Бош директори Федерико Майор бу афсонавий шаҳарга ташрифи чоғида.

Дарҳақиқат, буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш эса ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади, десак, айни ҳақиқатдир.

Шу маънода айтганда, бугун янги Ўзбекистон шиддатли ривожланиш йўлидан бормоқда. Учинчи Ренессанс халқни бир мақсад йўлида бирлаштирди, келажак пойдеворига тамал тоши қўйди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида Самарқанд ҳам кундан-кунга ўзгаряпти, ривожланяпти. Буни Президентимиз ташрифидан кейин янада янги марраларни кўзлаётган самарқандлик зиёлилар, маърифатчилар, тадбиркорлар, қўйингки, оддий одамларнинг гап-сўзларидан, кайфиятидан ҳам билиб олса бўлади. Уларнинг эртанги кунга, келажакка бўлган ишончи устувор. Ишонч бор жойда эса бунёдкорликлар, янгиланишлар бардавомдир.

Бир пайтлар соҳибқирон Амир Темур томонидан салтанат меҳвари сифатида эъзозланган бу замин давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати билан бугун яна олий мартабали раҳбарлар машваратлар ўтказадиган, минтақадаги хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама этадиган дунё чорраҳасига айланди. Самарқанд бу ерда олий даражадаги меҳмонларни қабул қилиш билан бирга, бугунги даврга ҳамнафас бўлиб, эртанги кунга, келажакка ишонч билан қадам ташламоқда.

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ,**
**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАРИХИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ БАРДАВОМ







1

***— Ўзбекистон ва Қозоғистон — вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкорлар. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражасини қандай тавсифлайсиз ва ҳамкорликни ривожлантириш учун нима асос бўлмоқда?***

— Халқ ҳикматларида айтилганидек, яхши қўшни Худонинг инъомидир. Қўшнининг уйидаги тинчлик ва хотиржамлик сизнинг оилангизга ҳам осойишталик бағишлайди. Кейинги йилларда айнан мана шундай илиқлик ҳамда самимий муносабатлар Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларда ҳам сайқалланиб бормоқда. Бунга мамлакатларимиз раҳбарлари — Қосим-Жомарт Тоқаев ва Шавкат Мирзиёевнинг моҳирона ва мулоҳазали ёндашувлари ёрдам бермоқда. Улар дўстлик, яқин қўшничилик, ўзаро ҳурматни биринчи ўринга қўйишган.

2022 йил 22 декабрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки томонлама ҳамкорликнинг қимматли босқичига айланди. Ушбу ҳужжат сиёсий, иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда қўлни қўлга бериб ишлашга тайёрлигимизнинг яққол ифодасидир.

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида таъкидлаганидек, тарихий умумийлик ва халқларнинг қардошлик ришталарига таянган Қозоғистон ва Ўзбекистон мустаҳкам, ҳамоҳанг муносабатлар ўрнатган. Ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, қозоқлар ва ўзбеклар умумий мерос, маданий ва маънавий қадриятлар боғлаган қардошлардир.

Ўзаро манфаатли саъй-ҳаракатлар халқларимиз ўртасидаги кўприкларни мустаҳкамлаб, ўз самарасини бераётганига деярли ҳар куни гувоҳ бўлиб турибмиз. Аммо давлатларимиз икки томонлама ҳамкорлик билан чекланиб қолмайди. Биз бутун Марказий Осиё минтақасини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлик уфқларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни яратиш устида фаол ишлаяпмиз. Бу нафақат давлатларимиз манфаати, балки бутун минтақа тараққиёти ва барқарорлиги йўлида саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга тайёр эканимизни тасдиқлайди. Дўстлик, стратегик шериклик ва ўзаро ҳамжиҳатлик бизнинг бойлигимиз ва умумий келажагимиздир, мен унинг эртанги куни ёруғлигига қатъий ишонаман.

***— Қозоғистон Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим ҳамкорларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сизнингча, бундай муваффақиятли ҳамкорликнинг сири нимада?***

— Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий соҳадаги муваффақиятли ҳамкорлик сири ҳар икки давлат раҳбарларининг узоқ муддатли стратегик қарашлари, ҳар бир давлат ва унинг аҳолиси эҳтиёжларини чуқур англашида ётади. Халқларимиз ўртасидаги тарихий алоқалар, маънавий яқинлик ҳамда маданий ўхшашликлар барча даражадаги ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди.

Бу, ўз навбатида, барқарор сиёсий муҳит ва ҳар икки давлатнинг шаффоф иқтисодий сиёсати томонидан қўллаб-қувватланаётган, фаол ҳамкорлик қилаётган ишбилармон доиралар учун қулай замин яратади.

Масалан, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2016 — 2023 йилларда сезиларли ўсиш даражасини кўрсатиб, уч баробардан ортиқ ўсди ва 5 млрд. долларга етди. Давлат раҳбарлари ушбу муваффақиятни инобатга олган ҳолда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш вазифасини қўймоқдалар.

Туркистон ва Сирдарё вилоятлари чегара ҳудудида қурилиши режалаштирилган "Марказий Осиё" халқаро саноат кооперацияси маркази лойиҳаси ишлаб чиқариш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратмоқда. Келажакда ушбу марказ трансчегаравий савдони рағбатлантириш, минтақанинг асосий савдо ва саноат марказига айланиши йўлида ташланган хайрли қадамдир.

Минтақалараро ҳамкорлик форумини ташкил этиш учун асос бўлган икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фаол шерикликни алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилнинг кузида Ўзбекистон томонидан Самарқанд шаҳрида форумнинг 5-йиғилишига мезбонлик қилишга ҳозирлик кўрилмоқда. Белгиланаётган чора-тадбирлар ва қўшма лойиҳалар транспорт-логистика инфратузилмасини такомиллаштириш билан мустаҳкамланганн иқтисодий муносабатларнинг янада гуллаб-яшнаши учун замин яратади.

***— Товар айланмасини икки баравар оширишдек улкан мақсад бизнес учун муносиб қулай муҳит яратишни назарда тутади. Дарвоқе, Ўзбекистонда тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Сизнингча, бу Қозоғистон тадбиркорлари ва инвесторларининг мамлакатимизда мавжуд бизнесини кенгайтириш ёки янги корхоналар очиши учун туртки бўладими?***

— Ўзбекистонда тадбиркорлик, инновациялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани халқаро майдонда ижобий муносабатнинг шаклланишига хизмат қилмоқда. Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар билан бўлиб ўтган сўнгги очиқ мулоқоти чоғида республикада тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича қатор ташаббусларни, жумладан, 5 та муҳим йўналишни илгари сурди. Қозоғистонлик инвесторлар Ўзбекистоннинг қулай сармоявий муҳити ва ўсиб бораётган бозорини баҳолаб, ҳамкорликни фаол кенгайтириш йўлидан бораётганини таъкидламоқчиман.

Буни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди: 2019 йилдан 2023 йилгача Ўзбекистонда Қозоғистон иштирокидаги корхоналар сони 2,5 баравар ошиб, 1258 тага етди, Қозоғистонда эса 1,4 мингдан ортиқ ўзбек корхоналари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистоннинг бизнес тартиб-таомилларини соддалаштириш, турли имтиёзлар бериш ва иқтисодий зоналар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари турли мамлакатлардан инвесторларни фаол жалб қилмоқда. Қозоғистон ҳам бундан мустасно эмас. Айни пайтда саноат кооперацияси доирасидаги қўшма лойиҳалар сони 2,4 млрд. долларлик 71 та лойиҳа бўлиб, 13,3 минг иш ўрни яратишни назарда тутади. Сўнгги йилларда 10 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, яна 8 таси ижро босқичида, келгусида эса 53 тасини йўлга қўйиш кутилмоқда.

Амалда жорий қилиниш босқичида турган йирик лойиҳалар, хусусан, "Казфосфат", "Bi-Group" ва "PTC Holding" компаниялари Ўзбекистонда қўшма лойиҳаларга 2,1 млрд. доллардан ортиқ сармоя киритишни режалаштираётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шу билан бирга, Остона ва Тошкент ҳамкорлик йўналишларини, жумладан, энергетика, транспорт, алоқа ва бошқа кўплаб соҳалар ҳисобига кенгайтиришни мақсад қилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон томонидан бизнес ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар Қозоғистон билан иқтисодий алоқалар ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига олиб келмоқда, буни нафақат статистик маълумотлар, балки аниқ қўшма лойиҳалар ҳам тасдиқлайди.

***— Бизнес учун логистика тизимининг салоҳиятини ошириш, мамлакатларнинг транспорт алоқаларини кенгайтириш жуда муҳим. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги транспорт коммуникациялари соҳасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболларини қандай кўрасиз? Мамлакатларимиз ўртасидаги автомобиль, ҳаво ва темир йўл алоқаларини янада кенгайтириш режалаштирилганми?***

— Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги транспорт алоқаларини ривожлантириш истиқболлари жуда кенг. Масалан, мамлакатлар ўртасида ҳаво қатнови тобора ортиб бормоқда — энг йирик "Air Astana" авиакомпанияси 13 йилдан буён Тошкентга парвозларни муваффақиятли амалга ошириб келади. Икки давлат авиация компаниялари ўртасидаги сўнгги келишувлар рейслар сонини ҳафтасига 19 мартага, яъни Алматидан 14 тага ва Остонадан 5 тагача кўпайтириш имконини берди. "Uzbekistan Airways" ҳам ҳафтасига 19 та рейсни амалга оширади.

"FlyArystan" сентябрь ва октябрь ойларида мос равишда Самарқанд ва Нукусга парвозларни, Ўзбекистоннинг "My Freighter" ёки "Centrum Air" лоукостерлари эса Алматидан Тошкентга тўғридан-тўғри рейсларни қайта йўлга қўйишни режалаштиряпти. Келгусида Фарғона, Бухоро ва Қарши шаҳарларига авиақатновлар очилиши кутилмоқда.

Темир йўл алоқаси соҳасида мамлакатлар ўртасида Алмати — Тошкент ва Алмати — Нукус йўналишлари бўйича поездлар қатнови амалга ошириладди. Автобус йўналишлари Тошкент, Нукус, Чирчиқ, Остона, Алмати, Чимкент, Туркистон, Қизилўрда ва Ўш Қўнғир каби йирик шаҳарларни боғлайди.

Автойўл алоқаси ҳам бир хил даражада муҳим. Ташқи чегаранинг бирлашган қисмида саккизта автомобиль назорат пункти мавжуд. Айни пайтда уларни реконструкция ва модернизация қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда, бу фуқароларнинг ҳаракатланиши учун шароитларни яхшилаш ва чегара постлари ўтказиш қобилиятини ошириш имконини беради.

Халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш ҳам асосий унсурлардан ҳисобланади. Бу нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, балки иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш учун шароитни кенгайтирди.

Шундай қилиб, мамлакатларнинг транспорт ҳамкорлигини чуқурлаштириш йўлида қўйилаётган аниқ қадамлари икки томонлама муносабатларни янада жипслаштириш учун замин яратади.

***— Мамлакатларимиз ўртасида туризм соҳасини ривожлантириш, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича қандай дастурлар амалга оширилмоқда?***

— Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги туризм ҳамда маданий алоқаларни фаол ривожлантириш икки томонлама ҳамкорлигимиз кун тартибида алоҳида ўрин тутадиган масала. Сўнгги йилларда сайёҳлар оқимининг ортиши кузатилмоқда. 2022 йил якунига кўра Ўзбекистонга ташриф буюрган қозоғистонлик сайёҳлар сони қарийб 3 баробар ошиб, 1,5 миллиондан ортиқ кишини ташкил этди.

Яқинда Тошкентда Алмати шаҳрининг сайёҳлик имкониятларига бағишланган род-шоу тадбири муваффақиятли ўтказилди. Тадбир доирасида Қозоғистон ва Ўзбекистон мутахассислари "B2B" форматидаги учрашувларни ташкиллаштирди. Унда ҳамкорликнинг долзарб масалалари ҳамда қўшма туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг мумкин бўлган механизмлари муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистонда Қозоғистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Қозоғистон Маданият вазирлиги қошидаги Роза Багланова номидаги "Қазаққонцерт" давлат концерт ташкилоти Тошкент, Самарқанд ва Бухоро саҳналарида ўз чиқишларини намойиш этди. Пойтахтдаги "Туркистон" саройида томошабинлар Қозоғистонда хизмат кўрсатган арбоблар, жумладан, "Gulder" ва "Turan" ансамбллари санъаткорлари иштирокидаги гала-концертни томоша қилишди. Эътиборлиси, "Turan" ансамбли Алибек Кабдураҳмонов дирижёрлигидаги Ўзбекистон симфоник оркестри билан ўз истеъдодларини бирлаштирган.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри саҳнасида Абай номидаги Қозоғистон Миллий опера ва балет театри томонидан тақдим этилган "Абай" операсининг намойиши маданий алмашинувнинг авж нуқтаси бўлди. Умуман олганда, тўрт кунлик маданий алмашинув дастуридан қозоқ фильмлари намойиши ва таниқли қозоқ эстрадаси юлдузлари иштирокидаги гала-контцертлар ҳам ўрин олди.

Шу тариқа мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамда сайёҳлик борасидаги ташаббуслар кенгайиб, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик кўприкларини мустаҳкамлашда давом этмоқда.

***— Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон халқига байрам тилакларингиз...***

— Аввало, Ўзбекистон халқини мамлакат мустақиллигининг 32 йиллиги билан табриклашга ижозат бергайсиз. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида янги Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Қозоғистон энг яқин қўшни ва қардош халқ сифатида ўзбекистонликлар билан доимо яқин алоқа ва ҳамжиҳатликни ҳис этиб келган. Шу йиллар давомида биз сизнинг муваффақиятларингизнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ўзбекистон халқига барча соҳада тараққиёт тилайман. Ҳар бир хонадонда фаровонлик, тинчлик ва тотувлик ҳукм сурсин, халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамлансин!

**Нурлан УСМОНОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

## УЛУҒ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

1

Мазкур қарорга кўра, республикамиздаги Абу Райҳон Беруний номи билан боғлиқ обида ва қадамжоларни, ёдгорлик мажмуаларини мукаммал таъмирлаш ҳамда уларнинг ҳудудларини ободонлаштириш, "Буюк Беруний мероси" халқаро сайёҳлик маршрутларини йўлга қўйиш, олимлар ва мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида ишлаб чиқиладиган концепция асосида Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида шу йил якунига қадар Абу Райҳон Беруний мажмуасини қуриш, унинг ҳудудида илмий-маърифий, маданий, дам олиш ва туризм объектлари фаолиятини ташкил қилиш ҳамда бошқа қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Аллома илмий-ижодий меросига мансуб қўлёзма ва бошқа маданий бойликларни реставрация қилиш, уларни ўрганиш мақсадида халқаро миқёсда кенг кўламли илмий изланишлар олиб бориш, буюк бобомиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш, хорижий олимларнинг асарларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр қилиш кўзда тутилган. Хорижий давлатларда сақланаётган Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-ижодий мероси ҳамда у яшаган даврга оид қўлёзмалар ва бошқа маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг факсимиле нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш, тадқиқ этиш ва давлат электрон каталоги ҳамда ЮНЕСКОнинг рақамли кутубхонасига жойлаштириш чоралари кўриляпти.

Париждаги кўргазма ҳам ана шу эзгу йўлдаги муҳим тадбирлардан биридир. Унга ташриф буюрувчилар визуал инсталляциялар ёрдамида Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва ижоди, кашфиёт ва изланишлари ҳақида маълумот олишлари мумкин. Экспозицияда алломанинг Франция миллий кутубхонаси фондидан йиғилган қўлёзмаларига алоҳида жой ажратилган.

Дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотган ушбу лойиҳа нафақат буюк алломага, балки ўзбек халқи даҳосига чуқур эҳтиром рамзи ўлароқ юртдошларимизда чексиз фахр уйғотиши, шубҳасиз.

## УСМОН НОСИР ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

*Россия Федерацияси Кемерово вилоятининг Мариинск шаҳрида ўзбек халқининг атоқли шоири, эрк ва ҳуррият куйчиси Усмон Носир ҳайкали очилди. Бу давлатимиз раҳбарининг "Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида амалга оширилди.*

Тадбирда ҳар икки мамлакатнинг давлат ва жамоат арбоблари, зиёлилар, шоир ҳамда ёзувчилар, ёшлар қатнашди.

Таъкидланганидек, ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган, собиқ тузум даврида сиёсий қатағон қурбони бўлган оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир хотираси қалбларимизда яшамоқда. Унинг етук бадиий асарлари кўнглимизда эзгу инсоний фазилатлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат, келажакка юксак ишонч туйғуларини тарбиялайди.

Мамлакатимиз делегацияси, Ўзбекистон элчихонасининг Новосибирскдаги бош консулхонаси ходимлари ҳамда маҳаллий аҳоли вакиллари Мариинскдаги ўрмонзор қаъридаги қатағон қурбонлари қабристонида дафн этилган Усмон Носирнинг қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилиниб, ўтганлар хотираси ёд этилди. Шоирнинг қабрига гуллар қўйилди.

Умуман олганда, ушбу воқеа Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп босқичли маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришнинг ёрқин намунаси ва яна бир муҳим омилидир. Маросим иштирокчилари буюк шоир ва драматург Усмон Носирнинг янги ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Усмон Носир 1944 йил 9 март куни 31 ёшида Кемерово вилоятининг Мариинск шаҳри касалхонасида вафот этган.

Кемерово шаҳрида Усмон Носирнинг музейи ҳам ташкил этилган бўлиб, вилоятда ҳар йили шоирнинг муборак хотирасига бағишланган адабий тадбирлар ўтказилади.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

## Хабарнома
## «Uzauto Motors» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида

**Ҳурматли акциядорлар!**

«UzAuto Motors» АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 5 сентябрдаги 182-сонли баённомасига асосан, жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 2 октябрь куни соат 15.00 да ўтказилади.

*Акциядорларнинг умумий йиғилиши уларни масофадан туриб интернет тармоғида онлайн режимда ўтказишга мўлжалланган «Электрон овоз бериш — eVOTE» (http://evote.uz/) сервиси орқали ўтказилади.*

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2023 йил 26 сентябрь ҳолатига тузилади. Ушбу санада тузилган реестрга киритилган акциядорлар 2023 йил 2 октябрдаги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашадилар.

*Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 13-уй.*

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uzautomotors.com

**Кун тартиби**

**1. «UzAuto Motors» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**

**2. «UzAuto Motors» АЖнинг 2023 ва 2024 йиллар молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш ҳамда жамиятнинг 2023 ва 2024 йиллар давомида молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит томонидан оралиқ ўрганиш (interm review) ўтказишни белгилаш ҳамда аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.**

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан акциядорлар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 13-уйда жойлашган жамиятнинг бош офиси биносида 2023 йил 18 сентябрдан 29 сентябрга қадар, иш кунлари соат 10.00 дан 15.00 гача танишишлари мумкин.

Акциядорлар http://evote.uz/ интернет сайтининг электрон овоз бериш сервиси орқали йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига киритилганлиги ҳақида электрон хабар олган вақтдан бошлаб акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорлар сифатида рўйхатдан ўтган, деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида электрон овоз бериш сервиси орқали иштирок этиш қоидалари (шартлари) билан http://evote.uz/ сайтида танишиб чиқишингизни сўраймиз.

Телефонлар: 78-140-55-40
(3-1729#, 1731#, 1732#)

**«Uzauto Motors» АЖ**
**Кузатув кенгаши.**

## Ishga taklif

Batafsil rezyume bilan arizalar Pokistonning Toshkentdagi elchixonasi tijorat bo'limida Savdo va investitsiyalarni rivojlantirish bo'yicha mutaxassis/marketing bo'yicha mutaxassis lavozimiga bir yillik shartnoma muddatiga taklif qilinadi, kelgusida har yili ko'pi bilan uch yilgacha uzaytirilishi mumkin. Ariza beruvchilar talabnoma mezonlariga javob berish uchun quyidagilarga ega bo'lishlari kerak:

yoshi — 25 — 40 yoshgacha;

ta'lim malakasi: biznes fanlari/iqtisodiyot/xalqaro savdo/tijorat bo'yicha tan olingan universitetning minimal bitiruv darajasiga ega bo'lishi kerak. Nomzod kuchli IT ko'nikmalariga ega bo'lishi va "Microsoft Windows" va "MS ofis" ilovalari, internet, ijtimoiy media kanallaridan foydalanishni yaxshi bilishi va yaxshi yozish tezligiga ega;

tajriba: kamida uch yillik ish tajribasiga ega bo'lishi, afzalroq savdo bilan bog'liq masalalarda/savdoda davlat yoki xususiy sektordagi tashkilotlar — savdo/biznes/tijorat/bojxona qonunlari va tartibini bilishi;

ish faoliyati: talabgor O'zbekiston fuqarosi bo'lishi/idoralar/savdo organlari/Savdo-sanoat palatasi va hokazolar ishini yaxshi bilishi, tarmoq bo'yicha so'rovlar o'tkazish uchun kuchli marketing ko'nikmalariga ega bo'lishi, savdo ko'rgazmasi/biznes delegatsiyasi/biznes uchrashuvlarini tashkil etish bo'yicha asosiy bilimlarni egallagan bo'lishi;

til va muloqot qobiliyatlari: ingliz va o'zbek tillarida yozish, o'qish va gapirishni yaxshi bilishi kerak. Ingliz va o'zbek tillari bilan bir qatorda rus tilini ham bilgan nomzodlarga ustunlik beriladi.

Shaxslararo ko'nikmalar: nomzod barcha manfaatdor tomonlar bilan samarali muloqot qila olish qobiliyatini namoyon eta bilishi darkor. Jamoaning yaxshi o'yinchisi bo'lishi va tashkilot maqsadlariga erishish uchun qo'shimcha vazifalarni/maqsadlarni/mas'uliyatni professional tarzda qabul qilishga tayyor bo'lishi kerak. Milliy va xalqaro biznes hamjamiyatlari bilan ishlashda ishonchni oqlashi lozim.

Ish tavsifi va asosiy samaradorlik ko'rsatkichlari (KPI): muvaffaqiyatli nomzod ish tavsifi va KPIlarni imzolashi kerak.

Millati: nomzodning kelib chiqishi va fuqaroligi O'zbekiston Respublikasi bo'lishi kerak. Qiziqqan nomzodlar o'z rezyumelarini Pokiston elchixonasiga so'rov/arizalarni elektron pochta/mahalliy pochta xizmatlari orqali quyidagi manzilga tic.tashkent@commerce.gov.pk pakistanembassytashkent@gmail.com yuborishlari mumkin.

Arizalarni topshirishning oxirgi muddati — 2023-yil 18-sentabr.

## ISHGA TAKLIF

Pokistonning O'zbekistondagi elchixonasi professional tarjimonlarni ishga chorlamoqda. Nomzodlar rus va ingliz tillarini mukammal bilishlari va zamonaviy IT texnologiyasidan foydalanishda mohir bo'lishlari kerak. Qiziqqan talabgorlardan o'z rezyumelarini quyidagi manzilga yuborishlari so'raladi: pakistanembassytashkent@gmail.com

Arizalar 2023-yil 20-sentabrga qadar yuqoridagi manzilda qabul qilinadi.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 058 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6